



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI**

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРДА ЭТИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**



¹Бахриева Зебунисо Джалолидиновна

Самарканд давлат тиббиёт университети, юкумли касалликлар кафедраси, Самарканд,
Ўзбекистон



²Худойдодова Сайёра Гафуржановна

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон,



¹Рахмонов Равшан Намозович

Самарканд давлат тиббиёт университети, юкумли касалликлар кафедраси, Самарканд,
Ўзбекистон

**MODERN APPROACHES TO THE ETIOLOGICAL DIAGNOSIS OF ACUTE
INTESTINAL INFECTIONS**

¹Bakhriyeva Zebuniso Djalolidinovna

Samarkand State Medical University, Department of Infectious Diseases, Uzbekistan

²Xudoydodova Sayyora Gafurzhanovna

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan

¹Rakhmonov Ravshan Namozovich

Samarkand State Medical University, Department of Infectious Diseases, Uzbekistan



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI
1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ ДИАГНОСТИКИ ОСТРЫХ
КИШЕЧНЫХ ИНФЕКЦИЙ**

¹Бахриева Зебунисо Джалолидиновна

Самаркандский государственный медицинский университет, кафедра инфекционных
болезней, Узбекистан

²Худойдодова Сайёра Гафуржановна

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан

¹Рахмонов Равшан Намозович

Самаркандский государственный медицинский университет, кафедра инфекционных
болезней, Узбекистан

Резюме. ўткир диарея таъхиси билан мурोजаат қилган беморларнинг нажасини микробиологик ва ПЗР текширув натижаларини қийслаш, ҳамда микст инфекцияларнинг тарқалиш даражасини ўрганишни мақсад қилди. 2018-2023 йилларда 28 кундан 18 ёшгача бўлган 340 нафар бемордан бактериологик текширув натижасида этиологик омил фақат 7.4% ҳолатларда аниқланган, ПЗР натижалари эса 94.6% ҳолатларда тасдиқланган, ва 5.4% ҳолатларда натижа манфий бўлган. ПЗР усулида тасдиқланиш эҳтимоли бактериологик усулга нисбатан юқори бўлган (ИН=221.400; 95% ИИ=93,3-525,11; $\chi^2=331,938$). Болаларда ўткир ичак инфекциялари 13,8% ҳолатларда моноинфекция ва 85,6% ҳолатларда микст-инфекция сифатида кузатишган.

Калит сўзлар: ўткир ичак инфекциялари, ПЗР, бактериологик текширув, микст-инфекция

Резюме. Целью исследования было сравнить результаты микробиологического и ПЦР-исследования кала у пациентов с острой диареей, и изучить частоту микст-инфекций. Среди 340 пациентов в возрасте от 28 дней до 18 лет, поступивших в больницу в 2018-2023 годах, этиологический фактор был выявлен бактериологическим методом в 7,4% случаев, а ПЦР - в 94,6%, с 5,4% отрицательных результатов. Вероятность подтверждения этиологического фактора с помощью ПЦР была значительно выше, чем при бактериологическом исследовании (ОШ=221,400; 95% ДИ=93,3-525,11; $\chi^2=331,938$). Острые кишечные инфекции у детей были моноинфекцией в 13,8% случаев и микст-инфекцией в 85,6%.

Ключевые слова: острые кишечные инфекции, Самаркандская область, Узбекистан, ПЦР, бактериологическое исследование, микст-инфекция

Abstract. This study aimed to compare microbiological and PCR stool test results from patients admitted with acute diarrhea and to assess the prevalence of mixed infections. Among 340 patients aged 28 days to 18 years admitted between 2018 and 2023, bacteriological testing identified the etiological factor in only 7.4% of cases, while PCR identified it in 94.6%, with 5.4% showing negative results. The likelihood of confirming the etiological factor using PCR was significantly higher than with bacteriological testing (OR=221.400; 95% CI=93.3-525.11; $\chi^2=331.938$). Acute intestinal infections in children were mono-infections in 13.8% of cases and mixed infections in 85.6%.

Keywords: acute intestinal infections, , PCR, bacteriological testing, mixed infection.

Кириш: Ўзбекистон Республикасида Алматов Б.И. ва ҳаммуалифлар томонидан (2018) нотифоид сальмонеллэзларнинг учраш даражаси 2008-2017 йиллар оралиғида тахлил килинганида маълум бўлди.

ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омили бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланмоқда, этиологик омили тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллэз инфекцияси ташкил қилади. Тахлилдан кўриниб турганидек, катта ҳолатларда ЎИИ ларининг этиологик омили тасдиқланмаяпти.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740


Тадқиқотнинг мақсади. Ўткир диарея ташхиси билан мурожаат қилган беморлар нажасининг микробиологик ва ПЗР усули текширув натижаларининг қиёсий тахлилини ўтказиш, микст инфекцияларнинг учраш даражасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Тадқиқот мақсадидни бажариш учун, биз, ўткир ичак инфекциялари ташхиси билан мурожаат қилган 28 кундан 18 ёшгача бўлган болаларнинг нажасини ПЗР усулида (130 нафар) ҳамда бактериологик усулда текшириб (340 нафар), ўткир диареянинг этиологик омилни аниқладик.

Олинган натижалар. 2018-2023 йиллар оралиғида Самарқанд вилоят юкумли касалликлар шифохонасига ўткир диарея ташхиси билан мурожаат қилган 28 кундан 18 ёшгача бўлган беморларнинг 340 нафарини кузатдик. Болаларнинг барчасини нажаси бактериологик текширув учун олинди, тахлил натижасига кўра, беморларнинг фақат 25 нафарида (7,4%) диареянинг этиологик омил аниқланди. Биз 340 нафар беморлардан 130 нафарининг нажас намуналарини ПЗР усули билан текшириш амалиётини амалга оширдик, 123 (94,6%) нафар беморларда касалликнинг этиологияси аниқланди, бу текширув амалиётида негатив натижа 7 (5,4%) та ҳолатда аниқланди.

Аниқланган патоген вируслар орасида *Adenovirus* – 14,5% ва *Norovirus* 16,4% ҳолатларда 1 ёшгача бўлган болаларда, *Norovirus* – 12,3% ва *Astrovirus* – 14,5% ҳолатларда 1-5 ёш оралиғида, *Norovirus* – 11,8% ҳолатларда 5-12 ёш оралиғидаги болаларда кузатилди, аммо 12-18 ёш оралиғидаги болаларда кўпинча

1-расмда келтирилганидек, аниқланган 301 та микроорганизмлар умумий қисмидан 30,8% (88) ҳолатини *Salmonella spp.*, *Shigella spp.* – 11,9% (34) ва *Campylobacter spp.* - 10,0% (28) каби патоген бактериялар ташкил қилади.



1 - расм. ПЗР ёрдамида аниқланган этиологик таркиб (n=286)

ПЗР усули ёрдамида аниқланган етти нафар патогенлар орасида фақат 5 нафари моноинфекция кўринишида учради, уларнинг орасида иккита бактериал патогенлар генининг детекцияси *Salmonella spp.* – 7 (39,8%) ва *Campylobacter spp.* – 3 (16,7%) ҳамда учта вирус этиологияли патоген генининг детекцияси *Rotovirus* – 5 (27,8%), *Astrovirus* – 1 (5,6%), *Norovirus* – 2 (11,1%) кузатилди (2-расм).

Иккита патогенлар ассоциацияси қуйидагича комбинацияларда келди: бактерия + бактерия – 8,3% (иккита вариант), бактерия + вируслар – 81,3% (8 та вариантда) ва вируслар + вируслар – 10,4% (2 та вариантда) (3-расм).

Бактерия + бактерия комбинациясидаги иккита патогенлар ассоциацияси 4,2% ҳолатлардан 1 ёшгача ва 1-5 ёш оралиғидаги болалар гуруҳида кўп кузатилди. 5-12 ёш



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI


1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

оралиғидаги ва 12-18 ёш оралиғидаги болалар гуруҳида бактерия + бактерия комбинациясидаги 2 та патогенлар ассоциацияси кузатилмади.

Бактерия + вируслар комбинациясидан иборат 2 та патогенлар ассоциацияси барча ёш гуруҳига хос бўлди, патогенлар генининг детекция сони 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларда юқори бўлди – 47,9%, 1 ёшгача бўлган болаларда – 16,7% ҳамда 8,3% дан 5 ёшдан 12 ёшгача ва 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар гуруҳида кузатилди.


Вируслар + вируслар комбинациясидаги 2 та патогенлар ассоциацияси фақатгина иккита ёш гуруҳларида кузатилди: 1 ёшгача бўлган болалар ҳамда 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларда мувофиқ равишда 6,3% ва 4,2% ҳолатларда кузатилди.



Изоҳ: S-Salmonella spp., Sh-Shigella spp., C-Campylobacter spp., A-Adenovirus, R-Rotavirus, As-Astrovirus, N-Norovirus, Б-бактерии, В-вирусы.

3-расм. ЎИИ ташхиси бўлган болалар фекалиясидан аниқланган иккита патогенлар ассоциациясининг сони ва спектри.

ЎИИ ташхиси бўлган 130 нафар беморларнинг 33,1% да 3 та патогендан иборат ассоциация аниқланди. 16 хил комбинациядан иборат 3 та патогенлар ассоциацияси қуйидагича тақсимланди: бактерия + бактерия + бактерия, бактерия + бактерия + вируслар, бактерия + вируслар + вируслар ва вируслар + вируслар + вируслар, уларнинг учраш даражаси мувофиқ равишда – 7,0%, 51,2%, 39,5% ва 2,3% ҳолатларни ташкил қилди (4-расм).



Изоҳ: S-Salmonella spp., Sh-Shigella spp., C-Campylobacter spp., A-Adenovirus, R-Rotavirus, As-Astrovirus, N-Norovirus, Б-бактерии, В-вируслар.

4 - расм ЎИИ ташхиси бўлган болалар фекалиясидан аниқланган учта патогенлар ассоциациясининг сони ва спектри.

3 та патогенлар ассоциацияси беморларнинг ёшига мувофиқ равишда таҳлил қилинганда, 3 та патогенлар ассоциацияси асосан 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар гуруҳида 14 хил комбинацияда учради, 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида 6 хил комбинацияда, 5 ёшдан 12 ёшгача болаларда 5 хил комбинацияда ҳамда 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда фақатгина икки хил комбинацияда кузатилди. Тадқиқот давомида беморларда 4 хил патогендан иборат ассоциация кузатилди ва бу 9,2% (12) ни ташкил қилди. 1 ёшгача бўлган ЎИИ ташхиси қўйилган 2 нафар болаларда 5 хил патогендан иборат ассоциация аниқланди S+Sh+R+As+N.

Хулоса. 2018-2023 йиллар оралиғида ўткир диарея ташхиси билан мурожаат қилган 28 кундан 18 ёшгача бўлган 340 нафар беморлар нажасининг бактериологик текширувида фақат 7,4% ҳолатларда диареянинг этиологик омили аниқланган. 340 нафар беморлардан 130 нафарининг нажас намуналари ПЗР усули билан текшириш амалиётида эса 94,6% ҳолатларда диареянинг этиологик омили аниқланган, негатив натижа 5,4% ни ташкил қилган, яъни ПЗР усулида этиологик омилнинг тасдиқланиш эҳтимоли бактериологик текширувга нисбатан ишонарли равишда юқори бўлган (ИН=221,400; 95% ИИ=93,3-525,11; $\chi^2 = 331,938$).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алматов Б.И. Острые кишечные инфекции в Узбекистане. // Бактериология, 2018, т. 3, №3, с. 14-18
2. Матназарова Г.С., Саидкасимов Н.С Жуманиязова М.К Хамзаева Н.Т Оценка проявленного эпидемического процесса сальмонеллеза //IQRO журналы-2023, №3.-С.37-42
3. Иванова Э.Н. Клинико-патогенетическое значение наличия энтеропатогенных вирусов при коморбидном течении сальмонеллеза //автореф дисс. на соис. уч. степ. к.м.н. - Санкт-Петербург – 2017. – 22с.
4. Мирзажонова Д.Б., Бахриева З.Д., Абдухалилова Г.К., Имамова И.А. Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси Сальмонеллёз на современном этапе (обзор литературы). № 5 2021, 104-110.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

5. Мирзажонов Д. Б., Бахриева З. Д. Журнал гепатогастроэнтерологических исследований. Ежеквартальный научно-практический журнал №1 (Том 1) “Болаларда салмонеллез касаллиги тарқалган шакли клинικο лаборатор кечиш хусусиятлари” 2021 год. С. 90-92

